



Инсонга алоқаси бор жамики нарса, ходисаларда, моддий, маънавий амалларда, касбу хунар, ижодларда, бинобарин, сўз санъатидек нафис ва нозик, зийрак ва серимкон соҳада Исломнинг васатия дийни эканлигини, васатияга дахлдор бўлиш ҳамда васатий бадиий ижод нималигини идрокламок, унда мудом собит турмок ягона улугвор адолатдир. Адабиёт учун ҳам васатия – омонлик ва саломатлик минтақаси, ишончли муҳофаза қалъаси, тўғри тараккиёт манбаи.

Сўз санъаткорлиги инсон ақлу заковатига ато этилган нақадар дарддош, жозиб ва мафтункор иқтидор бўлмасин, у – бошқа беҳисоб моддий, маънавий неъматлар сингари замирида батамом синов-имтиҳон хикмати бор бўлган барқарор ходиса. Инсон унинг имкониятларидан қандай мақсадларда фойдаланиши, у орқали нималарни ният қилиши, дийну эътиқодга, насллар тарбиясига, ҳақ ва ҳақиқатларни ўрнатишга, яхшилик томон бошлашга, ёмондан қайтаришга нечоғлик улуш кўшиши қабиларда синалувда бўлади. Шу сабаб адабиёт ишлари шунчаки бир эрмак ё овунчок, кўнгилхушлик ёки тор шахсий манфаат воситаси эмасдир. Балки ҳидоят йўлида юриб, энг муносиб, арзирли ҳақиқатга бўйсуниб оқибатнинг энг яхшисини топишнинг саноксиз воситаларидан биридир, холос. Қачонки, ҳақ таълимотларга итоатда ва уларга амал қилиш устун ҳолатда яшалган бўлса, барча соҳаларда, инчинун, адабий муҳитлар, жараёнларда ҳам юксак ривожга эришилган, нодир бадиий намуналар яратилган. Қачонки, жамиятлар ҳақ қоида ва кўрсатмалардан узоклашиб, ботиллик, разолат, залолат сари оғишишлар оммалашса, ўзга соҳалар қаторида адабиётнинг ҳам ютуғидан юткизиги кўп бўлган, у ҳам тубанлашган, адашган. Қандайдир ноҳолис, зугумкор мафқуранинг қули ва маддохига айланиш, ёлгон, баландпарвоз гоҳларга алданиш, унга шўнгиб кетиш, дийну дунё моҳияти ва инсон ҳақиқатининг талкин меъёрларидан тойилиш, беҳуда хойи ҳаваслар тасвиротига ружу кўйиш, Гарб адабий ҳаётининг турли босқичларида турлича қиёфаланувчи ахлокий бесубутлик, турфа алдамчи қоидаларни ихтиролаш сингари ходисалар – аслида дунё учун батамом салоҳиятли қилинган, аллақачон бор ва маълум ҳақ таълимотлардан гофиллик, уни писанд этмаслик, ундан бўйин товлаш оқибатларидир.

Адабий ижод сертармок захматларни такозо этгувчи бир жараёндики, меҳнатининг ноқис, зое, қамманфаат бўлмоғини ҳеч қайси ижодкор истамайди. Ҳар йўсин уринишлардан қелиб чиқадиган лафзий, маъновий, мантикий, бадиий қамчиликларнинг асл илдизлари эса васатсизликка бориб такалади. Истеъдоднинг қуввати, меҳнати ботил томон оғишмаслиги шарт, беҳудага сарфланмаслиги керак. Сўз санъатқори

ижодий мавке, нуктаи назар, муносабат, образлилик, меъёр-мезон, голавийлик кабиларда адашувлар йўлидан бормаслиги лозим. Бошкача килиб айтганда, адабий истеъдод ўзини ҳақ таълимотлар доирасидагина тўғри ақийдага бошлаб, ҳақ таълимотлар билангина ҳар турли тойилишлардан ўзини ҳимояда саклаб бора олади. Ижод, бадиий асар васатийлик ила сифатланиши, бу катта мақомга кўтарилиши учун унинг соҳиби васатий шахс бўлмоғи жоиз. Барча замон ва мақонлардаги комил истеъдод эгаларининг, умуминсоний манфаатларни кўзлаган илгор адабиётларнинг билиб ёхуд билмай интилган голавари, адабий орзулари ҳам, шубҳасиз, васатия коидаларида мужассам. Васатия тўғрилиқ, ҳалоллик, мувозанат, ўрталиқ, мўътадиллик ва адолатлиқдир. У – ана шундай фазилатларни чамабарчас жипслаштирувчи, бироқ бошқа яққаш сўз билан ифодаланиши мушкул бўлган ноёб тушунчадир. Ҳамма жихатларда: ният, тафаккур, муносабат, мезонлаш ҳамда илму амалда ҳақ йўлдан чиқмаслик, озмаслик ва тоймаслик илми васатиядир. Яъни, у- атроф-тегриси ўралган омонлик, саломатлик минтақаси, муҳофаза кўргони. У – бутун башарият учун, башариятнинг ҳамма мақон, замон, жамияти учун, ҳар қандай яққа шахс учун, шахсинг ҳамма амали, турмуши, фаолияти учун сиротул мустақийм. Куръони Карим, Суннат, ақийда, эътикод, шарият – васатий. Муслмонлар – васат уммат, таълимоти – васат таълимот. Салафи солиҳларнинг бизга мерос барча ибратлар ҳазинасида ҳам васатия энг етакчи, ёркин бир сифат. Умуман, васатия – бу ислом, ислом эса васатия демақдир. “Васатия” сўзини муайян тилга ўгириш, қандай жорийлаш мақсадга мувофиқлиги уни, кўллашнинг энг манзур тадбири борасида шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф куйидаги фикрларни билдиради:

“Аллохнинг китоби Куръони Карим мўъжизадир. Унинг ҳар бир калимаси ўзига ҳос маънони касб этади ва ўз ўрнида ишлатилган бўлади. Агар бирор сўзнинг ўрнига бошқасини ишлатилса ёки сўзларнинг жойи алмаштирилса, маънога футур этади. “Васат” сўзи ҳам шундай. Бу сўзнинг маъносига назар соладиган бўлсак, “ўрта”, “мўътадил”, “тўғри”, “адолатли”, “энг яқши” қаби маъноларни англантишини кўраимиз. Аммо оятдаги “Васат” сўзининг ўрнига уни шарҳ қилиш учун ишлатилган сўзлардан бирортасини кўядиган бўлсак, маъно тўлиқ бўлмай қолади. Чунки “Васат” сўзи уларнинг барчасининг кўшма маъносини ифода этади. Мисол учун “Васат” сўзининг ўрнига “Мўътадил”ни кўйсак, “ўрта”, “тўғри”, “адолатли” ва “энг яқши” деган маънолари йўққа чиқиб қолади. Бошқа сўзлар ҳақида ҳам худди шуни тақрорлашимиз мумкин. Демақ, биз “Васат” сўзини қишиларимизга шарҳ қилиб бериб, кейин ўзини таржима қилмай ишлатаверишимиз керак бўлади” .

Васатиянинг лугавий ва истилохий жихатларга кўра қандай англанма эканига доир таърифлар у қадар кўп эмас. Барча таърифлар моҳиятан бир-бирини холис тўлдирди, дақиқ қувватлайди. Васатиянинг тўғри, одил, афзал, мумтоз ва мактовли холат эканлигини тавсифлайди. Чунончи, имом Исмоил Ҳаммодал-Жавҳарий ўзининг “Сихох” номли машҳур лугат китобида “Васат ҳар бир нарсанинг энг тўғриси ва адолатлиқдир”, деб ёзади. Абу Бақр Муҳаммад ибн Ҳасан ибн Дурайд ал-Аздий уни “ҳар бир нарсанинг ўртаси” (“Жамхаратул Лугати”), Муҳаммад ибн Яъқуб Муҳаммад Ферузободий уни “ҳар бир нарсанинг энг адолатлиқси ва энг яқшиси” (“Ал-Комус ал-Муҳийт”) деб, Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Али ал-Файюмий “Васат мўътадил деганидир” (“Ал-Мисбоҳул Мунийр”), дея тавсифлайдилар. Доктор Аҳмад Умар Хошим эса куйидаги фикрларни билдиради: “Васатия истилоҳда шахсни ҳаддан ошиш ва қамчилиқ содир этиш тарафларига оғиб кетишдан саклайдиган мактовли холатдир. Бошкача қилиб айтганда, у икки тараф орасида бири биридан устун бўлиб кетмайдиган тарзда мувозанат ва адолатни

саклашдан иборатдир. Бунда чегарадан чикиш ёки нуксонга йўл кўйиш, ашаддий каттик олиш ёки ўта бўш кўйиб юбориш бўлмайди. Балки афзалига, адолатлисига, яхшисига ва мукаммалига эргашилади” (“Васатиятул Исломи” китобидан).

Ҳеч бир масалада ислом дийнида биртарафламалик йўк. У бундай ва бошқа ҳар қандай бу зайл иллатга батамом қарши, раддиячидир. Унинг барча илохий далилланган қонунлари “шариат” деб аталган ягона тушунчада мужассамлашган бўлиб, ҳар нарса-ходисага муносабатда тирикликни охираддан, илмни амалдан, руҳни жасаддан, бугунни эртадан ажратиб қарамайди. Аксинча, инсон билан унинг тирикчилигини яхлит, доимий моҳият деб, инсонликка ҳос ҳамма тақозодор жиҳатларни ўзаро боғлиқ, муштарак деб билади. Бу дунёнинг ҳар банда-одами борки, у кейинги дунёнинг ҳам муайян даража-мақомини топган инсонидир. Фано дунёси тўхтатилиши билан ҳаёт мутлак изсиз йўқотилмайди, илохий зарурият қилинган охирад қунидан бошлаб боқий ҳаёт давом этади. Ҳаммаси бир бутун, муштарак, узлуксиз жараён, илохий адолатдир. Айрим мафқуралар, дийнлар, таълимотларда руҳнинг манфаати томон, айримларида жасаднинг манфаати томон огишиб кетишлар тарихда жуда кўп содир бўлган, ҳозирда ҳам қам эмас. Руҳни – сири Аллоҳгагина ҳос илохий, латиф неъматни васатий меъёрга номувофик равишда устун билмок таркидунёчиликка, жасадга – унинг тафаккур эгаларини лол қолдиргувчи барча моддий аъзо-неъматлари манфаатига ружу кўймок маънавий кашшоқлашишга олиб келади. Инсонни жоҳилият ва разолат ботқоғига ботиради. Қай даражада бўлмасин, васатсизлик ижодда ҳам гофиллик, мудроқлик, ҳақиқий самарадан бебаҳраликдир. Масалаларнинг оқилона ечими, йўл-йўриқлари эса ҳақ илмда, васатиядадир.

Бешубҳа аёнки, инсон ҳақиқати унинг жиҳмида жойлашган махфий руҳнинг жасад билан муштараклигидан иборат. Бу илохий қўшилма-яратикда албатта муайян қийинчиликлар бор. Инсон ожиз, шошқин, машаққатда. Унинг ҳамма сифатларидаги ҳикматлардан бири синовдир. Руҳ ва жасад нисбатига алоқадор қийинчиликлар замирида ҳам инсон учун машаққатни енгиш борасидаги синов-ҳикмат мавжуд. Озуқага вужуд нечоғлиқ эҳтиёжманд бўлса, руҳ ҳам озуқага шу қадар муҳтож, эҳтиёжманд. Ҳар иккисининг ҳам озуқаси ҳалолдан, ҳақдан бўлмоғи лозим. Озуқалари тўғри бўлмаса, зарар кўради, мувозанат бузилади. Бирининг озуқаси нотўғри бўлса, иккиси ҳам барабар панд ейди. Натижада умр яхши натижа, яхши ҳосил бермайди.

Васатий умматга мансуб одам эътикод, тасаввур, тафаккур, ҳаёлот, ҳиссиёт, эҳтирос, мулоҳаза бобларида ҳам афзал, адолатли, мўътадил бўлади. У моддий, маънавий ва руҳоний нарсаю ходисаларга муомала-муносабатдаги йўлни уларга факат васатий мезонлар асосида ёндошувдадир, деб белгилайди. Мудом шунга қатъий азму қарор қилади, саъй-харакатини моҳиятан васат йўналтиради, масаланинг васатий ечимигагина интилади. Унинг бу мақомда туришини, васатий амалларда бўлишини иймон нурига чулганган қалбининг тақозолари, эътикоддаги собитлик ва содиклик мавқеи таъминлайди.

Жаҳон адабиётининг машҳур адибларидан бири Бернард Шоу шундай ёзган эди: “Мен доимо Ислом динини гоҳда эҳтиром қиламан. Чунки бу динда қувват ва ҳаётийлик бордир. Менимча, факат ушбу дингина ҳаракатлантирувчи қучга эгадир ва барча замонларда башариятнинг фойдасига хизмат қила олади”. (“Ислом шариати барча замон ва мақонларда тадбиқ қилишга салоҳиятли” номли китобдан).

Албатта, исломият васатия сифатида инсоннинг ярим фаолиятини дийнга, ярмини дунёга бағишлаб боришдек юзаки, сунъий тақсимотни англамагани қаби, адабиёт

касбларида ҳам исломга – васатияга бўйсуниб бир қисм ижодни дийн масалаларига, бир қисм ижодни дунёвий мавзуларга қаратишдек жўн, хаспўшловчи, микдорий колипларни назарда тутмайди. Ислом таълимотлари, шариат ахкомларининг барчаси – васатий.

Диний талабларнинг ярмига амал қилиш маъноси ҳам бунда мутлақо йўқ ва васатиядан мурод бу эмас. Умуман, муаммони бу тахлит қўйиб ва тушуниш мудҳиш хатодир.

Ислом дийни немисларнинг жаҳон микёсига чиққан энг катта шоири Иоганн Волфганг Гёте (1749-1832)ни унинг сўнги нафасигача мафтун этди, хайратга солди. У бутун ижодий, илмий, амалий фаолияти давомида исломни барча мафкуралар, сиёсатлардан устун тутди. Ўзининг унга рухий яқинлигини доимо яширмай таъқидлаб борди. Имкон қадар шу дийн тарғибини қилиб, Олмонияда ҳам унинг кенг, оммавий идрокланишини орзулади. Инсоният учун қамолотга эришишнинг ёлғиз йўли ислом дастурларида эканига қаттиқ иқрор бўлди. Қуръони Қарим хусусида салбий фикрлаганларга қарши у жиддий эътирозлар билдирди. Илохий Қаломнинг маъно таржималарини чоғиштириб қўрар экан, қаноатланмади. Ва бу ҳақда шундай ёзди:

“Қуръони Қаримнинг микёсларини қамраб олишни хоҳловчи, жуда қатъий зақога эга бўлган, араб тилидан воқиф, шоир руҳли бир олмон таржимонининг, Шарқнинг ойдин, қарогон осмони остида, илохий вахий келган жойда ётоқ қуриб, пайғамбарнинг рухий ҳолатига қирган ҳолда тиловатлар қилиб, Қуръони Қаримни олмон тилига таржима қилишга қиришуви бизнинг энг катта орзуимиздир”.

Адибу олим бўлган Гёте ўзининг “Илмий тадқиқлар ва хошиялар” номли мақоласида Аллох Қитобини тавсифлайди, ҳаётий ўхшатиш усулида Унинг илохий салоҳиятини шундай таъқидлайди: “Қуръони Қарим услуби, мундарижаси ва мақсадига қўра жиддийдир, буюқдир, қудратлидир, ниҳоятда қучлидир, мислсиздир, латийфдир, юқсақдир, самовийдир. Тишли гилдирак ўзига боғлиқ бошқа гилдиракни қандай ҳаракатга келтирса ва бу ҳаракат занжирланиб қандай давом этса, Қуръони Қаримнинг ҳам бир-биридан узилмаган, бир-бирини яқунлаган ҳукмлари нима учун ва қандай қилиб оммаларни ўз таъсири остига олишига ҳеч ажабланмаслик керак”.

Ижодининг ҳамма босқичларида Гёте Исломга муҳаббат гоёлари билан сугорилган шеърлар ёзган. “Мухаммад қўшиғи” асарида Расулulloх саллalloху алайҳи васалламга ўз мактовларини, буюқ хайрат ҳиссини изҳор қилади. Расулulloх даврига оид драматик асар ёзишни режалаштиради. Мусулмон шоирларга бағоят ҳавасда бўлишининг бош боиси ҳам Ислом эди. Ўзининг дунёга танилган “Фауст” (1772 йил) трагедияси билан ёнма-ён машҳур “Шарқу Гарб” (1816 йил) девонини гарчанд Фирдавсий, Низомий, Румий, Саъдий, Хофиз, Жомий қаби Шарқ шоирларига эҳтиромининг намунаси сифатида тақдим этса-да, шеърларидаги асл мантиқ-моҳият манбаи ояти Қарималар ва ҳадиси шарифлар бўлди.

Бош мақсади олмон халқига Ислом дийнини англантиш бўлганини очик айтади. Буни кейинчалик ёзган мақола ва хатларида ҳам бот-бот таъқидлайди. Гёте қатъий ҳулосага келадикки, инсоният исломда бўлмас экан, адашувдадир, инсоннинг ўзлигини таниши фақат ислом орқали бўлади. “Ўзини билган Роббини билар”, дейди у. Шундай иқрорлари туфайли ислом ҳақиқатларини ўрганиб борди, ўзини унга дахлдор билди ва одамларнинг уни исломга мансуб деб санашларини хоҳлади.

Овозда айтилган ёки юқсалган овоз билан ифодаланган фикргина эмас, қалбда, сир тутиб турган фикрларимиз, ҳаёлотимиз, хатто унутилган хотираларимиз, ошқор-яширин ниятлар, маҳфий ҳолатларимизгача – ҳаммасини Аллох ўзимиздан яхши билади.

Албатта, Аллох илмида маълум ботиний бу ҳолат ҳали содир воқелик, амал эмас. Лекин

амал калбнинг такозоси ила бўлади ва амалнинг дебочаси, пойдевори ниятдир. Барча ишлар бежиз бисмиллах, хамду наътлар билан бошланмайди. Ниятдан бошлаб ишнинг охиригача ҳақ йўлидан огишмаслик солих амални юзага чиқаради. Магар ниятгаки риё, тамъа, ботил аралашса, уларнинг нукси амалнинг ҳар жихатиға уради.

Ҳақ таълимотлар адабиётга мавзулар рўйхатини, мавзуларнинг дийнийга, дунёвийга ажратилган кўрсатмасини таклиф ва тавсия қилмайди. Бундай ажримга уриниш сўз санъатининг, унга доир илмларнинг ўзларида ҳам йўқ. Шубҳасиз, мавзуларни шу тарика тоифалаш, ютук-юткизикнинг илдизларини улардан қидириш ножоиз. Қандай мавзуга кўл урилмасин, аввало, ният шаръий, холис, бегубор бўлиши даркор. Шон-шухрат, унвон-мартаба, оммавий олқиш, ўзгалардан ўзиш касди, нолойик гоёлар, кимсаларни шахсий манфаат илинжида қуйлаш, кимнингдир, ниманингдир шаънини ноҳақ барбод этиш каби муддаолар васатсизликдандир.

Фанларнинг барча холис кашфиётлари, ижодларнинг барча оқил қарашлари ҳақиқатларнинг ҳажми, ҳаракати, ўлчови, моддий ва маънавий жихатларига кўра илохийлигини тасдиқлаш, эътироф этиш доирасида кечади. Бу ҳол инсоний илмлар ҳамда ижодларнинг кадру қимматини пасайтирмайди. Аксинча, инсонга ҳос макбул интилишининг, кодирликнинг, салоҳиятнинг юқори мавқе-мақомини намоён этади. Ниятнинг моҳиятида ҳар қандай мавзуда, жараённинг ҳамма жихатида Ҳақдан кўркув, Унинг розилигига мувофиқликни кўзлаш, жавобгарлик ҳисси устунлик қилсагина адабий ижод мусоффо, васатийдир. Ният ва уни рўёбга чиқаришдаги ҳаракатларнинг қанчалик тўғри бўлишига қараб ҳатто соф дунёвий мавзудаги асар айни пайтнинг ўзида соф диний асар, том маънода илохий мавзудаги асар тўла дунёвий асар сингари бўлиши шубҳасиз.

Турфа вазиятлар сабабли гоҳида кимнингдир кўзига бу дунё қоронғу кўринади. Аслида шундай эмас. Ёки дунёнинг ўзидан кўра у ҳақдаги нарсалар, санъат асарлари, кизик китоблар гўзалроқ туюлиши мумкин. Шунингдек, ижод завқи ва эҳтиросининг, соҳага ишқининг зўрлигидан: дунё ўзи гўзал эмас, санъат уни гўзал қилади, дегувчи олиму ижодқорлар ҳам бор. Борлик гўзал эмас, санъат асарида у гўзаллик намоён қилади, дейишлик қатта ёлгонлардан бири саналади. Васатия бу зайл ботил кетиш, қалғишлардан асраниш таълимини ҳам беради. На бутун инсониятнинг барча донишмандлигини, на бутун жаҳоннинг барча санъат дурдонасини Аллоҳнинг зарра миқдор ишига қиёслаб бўлмайди. Соғлом тафаккур ва очик қалб эгалари бўлган адибларнинг эса борликдан хайратлари адо бўлмаслиги аён ҳақиқатдир. Васатий дунёқараш, васатий нуктаи назар кишиси дунё нарсалари ва масалаларига бошқача – буюрилганидек қарайди. Улардаги олам-олам маъноларни, илохий аломатларни адашмай бадиий, эстетик кашф этади. Чексиз, бепоён ҳақиқатлар уммони ичида бўлади. Васатий тааммули орқали ўзгаларга тўғри гоёвий-поэтик ифодаларни тақдим этади. Адабий ижоднинг тўғрилик мақомини таъминловчи тамойиллардан бири ижодқор шахснинг васатий мавқеда бўлиши ва унда собитқадамлигидир. Ислом жисмоний, ақлий, маънавий фаолиятларда турли тарафларга меъёрдан зиёда огишиб кетишларга, бирёкламаликка берилишга, муайян томонда ҳаддан ошишларга қучли рақдиялар билдиради. Унинг бу борадаги улкан кўрсатмалари ва қоидалари адабиётнинг барча масалаларига ҳам тўғридан-тўғри тегишлидир. Дунёпарастлик ҳам, тарқидунёчилик ҳам, динни писанд қилмаслик ва ҳатто динни қаттиқ тутишда ҳаддан ошишлик ҳам ислом таълимотларида қескин қораланади. Инсон моҳиятида бор бўлган қайсидир икки нарсадан бирини устун қўйиш, бирини ортиқ санаб ва сийлаб, иккинчисига ўғай

муносабатда бўлиш васатияга зиддир. Дунёпарастлик, кучу имкониятни дунёнинг у-бу матохи учун сарфлаб юборишлик ҳам, дийну диёнат деб, дунё ишларидан юз ўгириш ҳам ножоиздир. Васатияда махдудлик йўк, маълум бир билиб олинган нарсаларнигина тан олиб, бошка илмий, амалий, маърифий тажрибаларни бемулохаза инкор қилиб юбориш йўк. Шунингдек, энди янгичарок, жозибаларок кўринган усуллар ва ходисаларга таклид қилиб, кўр-кўрона эргашиб кетавериш йўк. Ўзгача ва янгича оқимлар, усуллар, гоёлар ва ёндашишлар васатия қоидаларига кўра кутиб олинади.

Албатта, бунда масаланинг ҳамма жихати ҳақ таълимот кўрсатмалари асосида чуқур тааммул қилинади: бу янги нарсалар гайритабиий куч, восита асосида келаётган, йўлдан тойишга йўналтирувчи ходиса эмасми? Улар ўзлари билан ботиллар келтирмайдими? Дийну диёнатимизга, маънавий-ахлокий тарбияга нечоғлик фойда келтиради? Ва хоказо. Васатий таълимотга, ақийда ва шариатнинг мезонларига мос келувчи ва манфаатли ютуқлар, тажрибаларни васатия мўътадил эътироф этишга, ибрат олишга, ўзлаштиришга, улардан фойдаланишга чорлайди. Турли халқлар адабиётларининг ўзаро адабий алоқалар ва адабий таъсирлар тарихи ҳам васатий муносабатларнинг ёки васатсизликнинг натижа-оқибатларидан сабоқлар, ибратлар берувчи воқеаларга жуда бой.

Аллох таоло борлик, дунё, инсондаги ҳамма-ҳамма нарсани илохий ўлчов билан яратган. Макон ва замон жихатидан ўлчови йўк бўлган хилкат, нарса, ходисанинг ўзи йўк. Инсон билган-билмаган, унга хабар қилинган – хабар қилинмаган, ва лекин имон келтириш буюрилган гайбий ходисаларда ҳам Аллох адолати билан батамом қилинган ўлчовлар бор. Куръони Карим ва Пайгамбар ҳадислари орқали тарозу ўрнатилгач, инсониятнинг ҳақиқат мезонларини сарсон-саргардон, адашиб, улоқиб қидиришига асло ҳожат қолмаган.

Таҳлил, талқин, танқид, баҳолаш васатий амалга оширилса, ижод шаръий, ҳақ таълимот асосида тадқиқ қилинса, одил хулосаларга келиниши, улардан тўғри ибрату сабоқлар олиниши шубҳасиз. Шундай нуқтаи назарли талқиншунослик натижасидагина адабий амалларнинг, ижодкор-шахсиятнинг, баъдий намуна ёки асар таркибий томонларининг қувватлилиқ даражалари тўғри маълум бўлади.

Васатия – Аллох субҳанаху ва таолонинг инсониятга ато этган беминнат ва бепоён, беназир ва бебаҳо улкан неъмат. У – аждодлардан авлодларга силсила тарзида ўтиб келаётган мудом қувватли, мудом салоҳиятли улуг ва голиб таълимот. У – ҳамма нарсанинг тўғриси, ўртаси, мўътадили, ҳалоли, мувозанати, энг яхшиси, бешубҳа адолати демак. У – саҳву хато, ширку гумон, гафлату надомат, фиску фужур ва бошка барча ботилларга тўсик бўлиб бунёд этилган энг мустаҳкам, энг мухташам илохий қалъа. Жумладан, адабий ижод ва унинг илмлари учун ҳам, шундайдир.

Тоҳир Шермурод